

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАДЖИМИТДИНОВ САИДОЛИМ БАХОДИРОВИЧ

**ЭТИЛ СПИРТИ ВА УНИНГ СУРРОГАТЛАРИДАН
ЗАҲАРЛАНИШЛАРНИ СУД-ТИББИЙ БАҲОЛАШ**

14.00.24– Суд тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Наджмитдинов Саидолим Боходирович

Этил спирти ва унинг суррогатларидан заҳарланишларни
суд-тиббий баҳолаш..... 3

Наджмитдинов Саидолим Боходирович

Судебно-медицинская оценка отравлений этиловым спиртом
и его суррогатами..... 22

Najmitdinov Saidolim Bohodirovich

Forensic medical assessment of poisoning with ethyl alcohol and its
surrogates..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАДЖИМИТДИНОВ САИДОЛИМ БАХОДИРОВИЧ

**ЭТИЛ СПИРТИ ВА УНИНГ СУРРОГАТЛАРИДАН
ЗАҲАРЛАНИШЛАРНИ СУД-ТИББИЙ БАҲОЛАШ**

14.00.24– Суд тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3.PhD/Tib407

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Хван Олег Иннокентиевич**
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: **Бахриев Иброхим Исомитдинович**
кандидат медицинских наук, профессор

Ибрагимова Марета Мухарбековна
доктор фармацевтических наук, профессор
(Российская Федерация)

Ведущая организация: **Самаркандский государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится « » _____ 2021 года в _____ часов на заседании Разового Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib30.03. при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фараби, 2. Зал заседаний 4-этажа, 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № 862). Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фараби, 2. Ташкентская медицинская академия, 2-учебный корпус «Б» крыло, 1 этаж, 7 кабинет. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан « 11 » _____ 12 2021 года
(реестр протокола рассылки № 30 от « 11 » _____ 12 2021 года).



Г.И. Шайхова
Г.И. Шайхова
Председатель разового научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Ш.Алимухамматов
Д.Ш.Алимухамматов
Ученый секретарь разового научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

А.Б.Сатимов
А.Б.Сатимов
Председатель разового научного семинара при разовом научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ўлимга олиб келувчи заҳарланишлар орасида этил спирти билан заҳарланишлар биринчи ўринда туради. ЖССТ маълумотларига кўра, «... бутун дунёда зарарли алкоғолли ичимликларни истеъмол қилиш натижасида ҳар йили 3,3 миллион киши вафот этади, бу ўлим ҳолатларининг 5,9 фоизини ташкил қилади»¹. Эксперт амалиётида кўпинча метил спирти, хом спирт, этиленгликолдан, камдан-кам ҳолларда эса, олий навли спиртлар (пропил, бутил, амил), шунингдек денатурат, спирт, тетраэтил кўрғошин, ацетон билан заҳарланиш ҳолатлари учрайди. Алкоғолдан заҳарланиш туфайли ўлим ҳолатига шубҳа қилинганида суд-тиббий эксперти заҳарланишдан ўлим ҳолати ҳамда алкоғолдан заҳарланиш даражасини аниқлашига тўғри келади (мастликда бошқа сабабдан ўлим юзага келганда). Мурданинг тўқима ва аъзоларида этил спиртидан заҳарланишдан юзага келган ўлим учун ҳеч қандай ўзига хос морфологик ўзгаришлар йўқ. Шунинг учун алкоғолдан заҳарланишда ўлим ҳақида хулоса фақатгина суд-кимёвий таҳлил натижалари олинган, мурданинг ички аъзолари синчиклаб гистологик текширувдан ўтказилгандан кейин берилади. Шу сабабли, этил спирти ва унинг суррогатлари билан ўткир заҳарланишни баҳолаш учун клиник ва морфологик мезонларни ишлаб чиқиш суд тиббиёти соҳасида энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда соматик патологиянинг танатогенезида алкоғолдан заҳарланиш ролини белгилаш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, этанол ва унинг суррогатлари билан ўткир заҳарланишда услубий тавсияларни ишлаб чиқиш этанол ҳамда ушбу заҳарланишларни суд-тиббий баҳолашни илмий асослаш зарурияти юзага келмоқда. Алкоғолдан заҳарланишда клиник аломатларнинг концентрацион бошланғич ҳолати ва морфологик ўзгаришларини аниқлаш, шунингдек, услубий таҳлил ёрдамида информатив клиник ва морфологик аломатлари намоён бўлиши масалаларини ўрганиш, этил спирти ва унинг суррогатлари токсикокинетикасини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳмиёт касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, фундаментал тадқиқотларни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан спиртли ичимликлардан заҳарланишни суд тиббиётида янада чуқурроқ ўрганишга қаратилган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига мувофиқ «...аҳолига ихтисослаштирилган ва юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича» каби вазифалар белгиланган². Бу вазифаларни амалга оширишнинг

¹ The public health impact of chemicals: knowns and unknowns. International Programme on Chemical Safety. World Health Organization 2016. — Mode of access : https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/206553/WHO_FWC_PHE_EPE_16.01_eng.pdf. — Date of access : 15.10.2019

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 Фармони

долзарб илмий йўналишларидан бири этил спиртидан заҳарланиш диагностикасининг суд-тиббий мезонларини ишлаб чиқишга йўналтирилган фундаментал тадқиқотлар олиб бориш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги ЎРҚ-644-сон «Наркологик касаликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Медицина ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, алкоғолнинг гиёҳвандлик моддаси сифатидаги хусусиятларини фармакология, токсикология ва наркология нуқтаи назаридан ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Энтин Г.М., 2012). Алкоғолдан заҳарланиш оқибатида соматик патологияларнинг юқори даражада содир бўлиши ва оғир кечиши кеч диагностика билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда алкоғолизм сабаб ўлим ҳолати юрак-қон томир ва онкологик касалликлардан кейин учинчи ўринда туради (Богомоллов Д.В. ва бошқ., 2017). Бош миянинг томирлар кесишмасида хужайралараро моддаларнинг базал мембраналар ва тўқима тукчалари шишиши ва бўртиб чиқиши кузатилган, бу эса капиллярларнинг сиқилиши ва бўшаб қолишига, эпителия некрози ва десквамацияга олиб келиши аниқланган (Конев В.П. ва бошқ., 2012). Юрак-қон томир етишмовчилиги гипогликемия ҳолатида ҳам юзага келиши мумкин (Капустин А.В. ва бошқ., 2012; Сторжаков Г.И. ва бошқ., 2015). Алкоғолнинг кичик дозаси коронар артериялар тромбозини чақирувчи гомеостатик омилни пасайтириши ҳақида маълумотлар мавжуд (Капустин А.В. ва бошқ., 2013). Бошқа муаллифлар (Богомоллова И.Н. ва бошқ., 2014) бу назария фақат йирик қон томирларига нисбатан тўғри, юрак ва миянинг майда қон томирлари эса, ҳатто алкоғолнинг юқори бўлмаган дозадаги таъсирига ҳам шикастланмайди деб ҳисоблайдилар. Алкоғолдан заҳарланишда жигар энг заиф аъзо бўлиб ҳисобланади, шунинг учун у клиницистлар ва суд тиббиёт ходимлари учун кўпроқ эътибор талаб қиладиган объект ҳисобланади (Богомоллова И.Н. ва бошқ., 2012; Сторжаков Г.И. ва бошқ., 2015). Бошқа аъзолар ҳам шикастланмасдан қолмайди: буйрак, қора талоқ (Богомоллова И.Н. в бошқ., 2014), мойк, буйрак усти бези (Алисиевич В.И. ва бошқ., 2019). Ю.В.Васильев ва С.Э.Зайцевлар (2016) ўзида спирт сақлаган суюқликлар билан ўткир заҳарланишда микроскопик

кўринишнинг ўзгаришларидан бирига томир тугунчаларининг катталаниши, гиалиноз ва облитерациянинг ривожланиши билан капиллярлар базал мембранасининг плазматик сингиши кўринишидаги ёғли нефрозни киритишган. Г.И.Заславский ҳаммуалар билан (2017) ўткир токсик буйрак етишмовчилигида, авваломбор, буйракларда қон айланиши бузилиши ҳақидаги бошқа тадқиқотчиларнинг маълумотларини тасдиқлашган. А.А.Лапиннинг (2017) фикрига кўра, САИда инсон буйракларидаги каналчалар эпителийсида дистрофик ва некротик ўзгаришларининг ривожланиши, айниқса, ёғли гепатоз ва гепатит туфайли чақирилган жигар-хужайра етишмовчилиги билан ифодаланган.

Ўзбекистонда этил спирти ва унинг суррагатлари билан заҳарланишни суд-тиббий баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар чекланган. Кўпгина илмий ишлар психиатрик, биологик ва токсикологик хусусиятлар бўйича олиб борилган. 2016 йилда З.Ш.Ашуров хатти-ҳаракатларида оғишларга эга бўлган беморларда алкоголизм ва наркоманиянинг клиник хусусиятларини баҳолаган, 2020 йилда М.Абдуллаева томонидан этанолдан заҳарланишда ва уларни фитопрепаратлар билан даволашда мия нейротрансмиттер тизими бузилиши ўрганилган, 2021 йилда Ҳ.Ш.Хожиев томонидан интенсив терапияни диагностик баҳолаш ва ўткир алкогол заҳарланишида постинтоксикация асоратларининг олдини олиш бўйича тадқиқот олиб борилган.

Шундай қилиб, мамлакатимизда суд-тиббий экспертиза томонидан этил спирти ва унинг суррогатлари билан заҳарланиш бўйича деярли илмий ишлар йўқ. Зарарланиш механизми ва ўлим ҳолатини олдини олиш учун касаллик ривожланиши кетма-кетлигини, яъни танатогенезни ўрганиш зарур, у хужайра даражасида функционал ўзаро боғлиқ тузилмалардаги морфологик, патологик ўзгаришларни ўрганишни ўз ичига олади ва касалликнинг кечишини прогнозлаштириш ва керакли даволанишни белгилаш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Суд тиббий токсикология» (2015–2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади этил спирти ва унинг суррогатлари билан ўткир заҳарланишни баҳолашнинг клиник-морфологик мезонларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

алкоголдан заҳарланишларда клиник аломатлар ва морфологик ўзгаришларнинг концентрацион бошланиш ҳолатини аниқлаш;

омиллар асосидаги таҳлил ёрдамида информатив клиник ва морфологик белгиларини аниқлаш;

этил спирти ва унинг суррогатларининг токсикокинетикасини белгилаш;

этанол ва унинг суррогатлари билан ўткир заҳарланишда услубий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида этил спирти (127) ва унинг суррогатлари (42) билан ўткир заҳарланиш, этанол ва унинг суррогатлари билан ўткир заҳарланишдан жабрланган 57 нафар кишининг касаллик тарихи бўйича суд-тиббиёт экспертизасининг хулосалари ва ушбу интоксикациядан вафот этган мурдаларни (112) шахсий текшириш материаллари олинган.

Тадқиқот предмети сифатида этил спирти ва унинг суррогатлари билан ўткир заҳарланиш туфайли вафот этган шахсларнинг мурдаларидан олинган, сифат ва миқдорини аниқлаш учун кимёвий таҳлили олиб борилган қон ва пешоб, шунингдек суд-гистологик текширув учун буйрақусти ва ички аъзолари бўлаклари олинган.

Тадқиқот усуллари. Белгиланган взибаларни ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун тадқиқотда газ-суюқлик хроматографияси, умумий морфологик, факторли таҳлил ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор этил спирти ва унинг суррогатлари таъсирга тўқималар, аъзолар ва тизимлар резистентлигининг қиёсий таҳлили олиб борилган;

қондаги заҳарнинг дастлабки даражасига кўра этил спирти ва унинг суррогатлари билан заҳарланишнинг тегишли белгиларини аниқлаш имконини берувчи клиник ва морфологик параметрларнинг концентрацион чегаралари баҳоланган;

детерминация коэффиценти ёрдамида ушбу услубий ёндашув асосида кимёвий жароҳатларнинг бошланғич қийматидаги ва мастлик даражасини ҳисобга олган ҳолда заҳарларни чиқариш тезлиги бўйича фарқларнинг ишончли даражаси исботланган;

этанол ва унинг суррогатлари билан ўткир заҳарланишда информатив клиник ва морфологик аломатлар асосида эксперт ташхислаш мезонлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

факторли анализ асосида этил спирти ва унинг суррогатлари билан ўткир заҳарланишда қўшимча диагностик мезон бўлиб ҳисобланган клиник параметрлар ва морфологик ўзгаришларнинг информативлиги аниқланди;

клиник материал (касаллик тарихи) ва эксперт маълумотларида (суд-тиббиёт экспертизаси хулосаси) кўрсатилган заҳарлар токсикокинетикасининг асосий параметрлари аниқланди, бу эса асосли равишда жабрланганнинг қон ва пешобини қўшимча текширув учун олишга имкон беради;

этил спирти ва унинг суррогатлари билан ўткир заҳарланишда экспертлар учун услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, фойдаланилган клиник ва суд-тиббиёт материалларининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи токсикологик, клиник, биокимёвий, морфологик ва статистик таҳлил усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, илмий ишлар натижаларини халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани,

хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жабрланганларнинг организмининг турли аъзолари ва функционал тизимига этил спирти ва унинг суррогатларининг таъсири патогенетик механизмнинг баъзи жиҳатлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти клиник маълумотлар ва информатив тусдаги морфологик ўзгаришларга асосланган этанол ва унинг суррогатлари билан ўткир заҳарланишни ташхислаш учун эксперт мезонлари, инсон организмидаги бу заҳарларнинг токсикокинетикасини ўрганиш асосида амалий тавсиялар, этил спирти ва унинг суррогатлари билан ўткир заҳарланишда экспертлар учун услубий тавсиялар ишлаб чиқирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Этил спирти ва унинг суррогатларидан ўткир заҳарланишни баҳолашда морфологик мезонларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

этил спирти ва унинг суррогатлари токсикокинетикасини аниқлаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Этанол ва унинг суррогатлари токсикокинетикасининг асосий параметрларини аниқлаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 13 июлдаги 8н-р/188-сон маълумотномаси). Натижада кимёвий жароҳатларнинг оғирлигини баҳолашнинг қўшимча миқдорий мезонини белгилаш сифатини 19,5% га ошириш имконини берган;

клиник аломатлар ва морфологик ўзгаришларнинг концентрацион бошланиш ҳолатини аниқлаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Этил спирти ва унинг суррогатлари билан ўткир заҳарланишда аъзо ва тизим тўқималарининг концентрацион бошланиш ҳолатини аниқлаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 13 июлдаги 8н-р/188-сон маълумотномаси). Натижада этанол билан ўлимга олиб келадиган ўткир заҳарланишда дифференциал диагностика самарадорлигини ошириш имконини берган;

этанол ва унинг суррогатлари токсикокинетикаси асосий параметрларини баҳолаш усуллари кўллаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар суд-тиббиёт экспертиза бюроси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 апрелдаги 8н-з/81-сон маълумотномаси). Натижада суд тиббий экспертизаси ўтказишга сарф бўладиган вақтни аҳамиятли даражада 1,6 барабар қисқартириш ва юқори ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган клиник ва дифференциал ташхисотнинг самарадорлигини оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан

ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Алкоголь касаллигида ўлим юзага келиши механизми ҳақида замонавий тасаввурлар**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий муаллифларнинг ушбу муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган, сўнгги йилларда этил спирти ва унинг суррогатларидан захарланишларнинг суд-тиббий диагностикасининг замонавий ҳолатига бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилган. Алкоголь касаллигининг этиопатогенези соҳасидаги билимларни янада чуқурлаштириш, шунингдек этанол ва унинг суррогатлари билан захарланишни диагностика қилиш учун ишончли мезонларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш лозимлиги асосланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материал ва услублари батафсил баён қилинган. Тадқиқотни амалга ошириш учун токсикологик, клиник-инструментал, клиник ва статик текширув усулларининг умумий характеристикасини ўз ичига олган материаллар ва усуллар ёритилган. Беморларнинг стационарга ёки моргга келган вақтида қон плазмаси ва пешобидида этил спирти ва унинг суррогатлари таркибига кимёвий жароҳатнинг дастлабки даражаси сифатида қаралди. Этил спиртини аниқлаш усули бевосита биологик намунада спиртларнинг этерификация реакциясида ҳосил бўладиган алкилнитритларнинг пар-газли фазасининг газохроматографик тақсимланишига асосланган. Этил спиртини аниқлашнинг пастки чегараси 0,05 промиллни ташкил қилади. 21 ёшдан 73 ёшгача бўлган 136 нафар эркак (80,5%) ва 33 нафар аёллардан (19,5%) иборат жабрланганларнинг касаллик тарихидаги маълумотларни ўз ичига олган 169

та суд-тиббий хулосаси тадқиқот учун материал бўлиб хизмат қилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Жабрланганларни ёши ва жинсига кўра тақсимлаш

Ёш градацияси	Умумий сони		Жинси			
			Э		А	
	Абс	%	Абс	%	Абс	%
20-40 ёш	134	79	111	65,7	23	13,6
41-60 ёш	32	19	23	13,6	9	5,3
61-80 ёш	3	2	2	1,2	1	0,6
Жами	169	100	136	80,5	33	19,5

Аёллар кимёвий агрессияга камроқ қаршилик кўрсатади деб ҳисобланади, бироқ ҳомиладорлик, менструация ва лактация даврида уларнинг токсик моддаларга сезгирлиги ортади (Mogos E., 1984).

Тадқиқотимиз натижалари, умуман олганда, умумий қоида сифатида бўлмаса-да, ушбу тенденцияни тасдиқлади. Хусусан, аёл организмнинг дихлорэтан таъсирига юқори чидамлилиги аниқланган.

Ўлим билан яқун топишнинг индивидуал хавфига жабрланганларнинг ёши энг кўп таъсир кўрсатди. Бизнинг фикримизча, бу ерда организмнинг ёшга хос имкониятларининг пасайиши ўлим хавфининг юқори бўлишининг асосий сабаби ҳисобланди. Этанол ва унинг суррогатлари билан заҳарланишларнинг энг кўп сони 20-40 ёшлар (79%), яъни меҳнатга лаёқатли бўлган ёш орасида кузатилган, бу билан ушбу муаммо ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир.

Диссертациянинг «Тўқима, аъзо ва тизимларнинг этил спирти таъсирига резистентлигини аниқлаш» деб номланган учинчи бобида умумий вазифалар доирасида иккита мақсад тадқиқ қилинган:

1) Специфик ва носпецифик реакцияларнинг клиник ва морфологик структурасини аниқлаш;

2) Уларнинг энг муҳим звеносини ўрнатиш.

Кимёвий жароҳатга организм реакциясини баҳолашда асосий қийинчилик унинг жавоб қайтариши тизимлилигидан иборатдир. Ўта мураккаб ва ўзаро боғланган функциялар билан ушбу тизимни организмнинг қайсидир қисмига жойлаштиришнинг деярли имкони йўқ. Услубий режада факторли таҳлил усули мос келади. Шунини таъкидлаш лозимки, факторлар – бу математик конструкциялар бўлиб, белгилари бирлаштирилган, ўзаро боғлиқлик (корреляциялар) тамойили, яъни биологик позиция жиҳатидан – патологик жараёнда улар ўзгаришлар умумийлиги тамойиллари бўйича қурилган. Ўз навбатида, ҳар бир алоҳида олинган белгининг факторли

юкламаси унинг ўзаро боғлиқлигини омиллар билан тавсифлайди, шу билан унинг барча элементларининг умумлаштирилган реакцияларида белгининг қиёсий ролини акс эттиради. Бундан ташқари, бу таҳлил муолажасининг кетма-кетлиги шундай тузилганки, биринчи фактор барча маълумотларнинг умумлаштирилган дисперсиясининг энг кўп қисмини, иккинчи фактор эса, унинг қолган қисмининг энг кўп улушини тушунтириб беради ва ҳоказо. Натижада, фактор рақами текширилаётган жараёнда унинг аҳамиятлилиги даражасига мос келади.

Қонда этил спирти даражаси 3,5% дан ортиқ бўлганда, этил спирти билан захарланишда клиник-морфологик кўринишининг факторли тузилмаси 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Этил спирти билан ўткир захарланишда клиник ва морфологик ҳолатининг факторли тузилмаси (қонда этанол концентрацияси 3,5% дан ортиқ бўлганда)

Белгиларнинг номи	Фактор тузилмаси								
	1	2	3	4	5	6	7	8	9
Фактор									
Захарланиш оқибати	0,74(2)								
Ёши	0,33(8)	0,43(3)			0,27(2)	0,40(3)			
Детоксикация усули							-0,68(1)		
Захарланиш босқичлари	0,72(3)								
Қондаги захарнинг даражаси	0,58(1)								
Касаллик куни	0,27(10)	0,68(1)							
Систолик АҚБ	0,28(7)		0,83(2)						
Диастолик АҚБ			0,85(1)						
Жинси							0,51(2)		
Алкоголнинг ҳиди	0,46(2)					0,38(4)			
Нафас фалажии	0,78(4)								
Эс-хушининг даражаси	0,64(3)	0,39(4)							
Ўлимнинг юзага келган вақти	0,62(5)		0,39(3)						
Пневмония					0,65(3)				
Миофибрилляция		0,62(2)				0,34(5)			
Юрак мушаклари									0,87(1)
Трахеобронхит					0,64(1)				
Жигарнинг ёғли дистрофияси				0,60(2)				0,91(1)	

Изоҳ: Қавс ичидаги рақамлар билан факторли юкламаларнинг қиёсий аҳамияти белгиланган. Факторли юкламалар 0,25 тушириб қолдирилган.

Юқорида айтиб ўтилган ҳолатларга мувофиқ, этил спирти билан заҳарланишнинг энг аҳамиятли чегарасини 1 та фактор кўрсатиб беради. Бу фактор элементларининг таркиби этиологиясини ҳам ва асосий специфик таъсири (қонда кўп миқдорда этанолнинг мавжудлиги) ҳамда унинг асосий клиник кўринишини (эс-хушнинг бузилиши, систолик артериал қон босимининг пасайиши, нафас фалажи) акс эттиради ва шу билан бир вақтда заҳарланишнинг яқун топишида уларнинг етакчи роли ҳақида далолат беради. Шундай қилиб, кўриб чиқилган факторнинг тузилмаси заҳарнинг муҳим концентрациялар зонасида организмнинг жавоб қайтариши фақатгина танланган токсиклик таъсири ёки бирон-бир физиологик тизимнинг шикастланиши билан чегараланмайди, балки интеграл тизимли характерга эга бўлади. Ушбу интеграл реакцияда нафас фалажи етакчи элемент бўлиб ҳисобланади (бу ҳақда унинг факторли юкламасининг қиймати – 0,8 далолат беради).

Этил спиртининг суррогатлари, хусусан, дихлорэтан билан ўткир заҳарланишда факторли тузилманинг бошқача кўриниши кузатилади (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Дихлорэтан билан ўткир заҳарланишда факторли тузилманинг клиник-морфологик кўриниши

Белгиларнинг номи	Белгиларнинг факторли юкламаси						
	Фактор I	Фактор II	Фактор III	Фактор IV	Фактор V	Фактор VI	Фактор VII
Заҳарланиш оқибати	0,80(1)		0,45(5)				
Ёши	0,62(5)						
Детоксикация усули				0,48(2)			0,29(6)
Қондаги заҳар даражаси	0,72(3)		0,29(1)				0,44(4)
Касаллик куни	0,55(6)						
Систолик АҚБ	0,28(8)		0,83(2)				
Диастолик АҚБ			0,86(1)				
Жинси		0,78(1)					
Нафас фалажи	0,73(2)						
Эс-хуши даражаси	0,73(2)	0,26(3)				0,35(1)	
Буйрак санчиғи					0,81(1)		0,61(3)
Терининг сариклиги							
Кўз қорачиғининг диаметри				0,68(1)			
Жигарнинг ёғли дистрофияси							0,80(1)
Қусиш				0,28(3)	0,58(2)		0,37(5)
Заҳарнинг дозаси						0,25(3)	0,71(2)
Ўлимнинг юзага келган вақти	0,66(4)	0,36(2)	0,38(3)		0,36(3)	0,28(2)	

Изоҳ: Қавс ичидаги рақамлар билан факторли юкламаларнинг қийсий аҳамияти белгиланган. Факторли юкламаларнинг 0,25 тушириб қолдирилган.

Дихлорэтан бир эмас, балки бир қатор мутлақо мустақил бўлган специфик токсик таъсирларнинг ривожланишини чақиради. Белгиларнинг факторлаштирилиши ушбу заҳарланишнинг мураккаб белгилар мажмуасини етти турли гуруҳларга ажратди.

Уч омил (I, III ва IV) миқдор жиҳатидан қондаги дихлорэтан даражаси билан боғланган ва шунинг учун унинг токсикоген таъсири каби қаралиши мумкин. I факторда МАТ (0,73) функциясининг сиқилиши ва нафас фалажи (0,73) даражаси энг кўп факторли юкламага эга бўлганлиги боис, уни дихлорэтаннинг наркологик таъсири каби белгилаш мумкин, максимал юклама диастолик (0,86) ва систолик (0,83) артериал қон босими даражасига тегишли бўлган III фактор эса, қон томир тизимининг токсик шикастланишини акс эттиради. VII факторда бирлаштирилган белгиларнинг (жигар санчиши, қусиш, терининг сариқлиги) факторли юкламаларини ҳисобга олиб, уни дихлорэтаннинг ўзига хос гепатотоксик таъсири деб баҳолаш мумкин.

Тақдим этилган маълумотлар асосида биз шуни тасдиқлашимиз мумкинки, токсик кома ушбу заҳарланишда энг катта рол ўйнайди, патологик жараёнда аҳамиятлилиги бўйича қон-томир тизимининг шикастланиши кейинги ўринда туради. Аксинча, дихлорэтаннинг гепатотоксик таъсири заҳарланишнинг якуни билан боғланмаган ва демак, токсик бузилишларнинг ушбу тури, қоидага кўра, муҳим фазага эришмайди.

Шундай қилиб, ушбу тадқиқотнинг натижалари шуни кўрсатадики, организмнинг танқидий ҳолатида фақат танланган токсиклик таъсири билан чегараланмай, балки патологик жараёнга организмнинг асосий ҳаёт учун муҳим бўлган тизимларини ҳам киритади.

Диссертациянинг «**Этил спирти ва унинг суррогатлари билан ўткир заҳарланишда аъзо ва тизимлар тўқималарининг тўйинганлик чегарасини аниқлаш**» деб номланган тўртинчи бобида жабрланганларнинг алкоғолнинг оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда клиник ва морфологик ҳолатларини баҳолаш бўйича текширувлар олиб борилди. Маълумки, кимёвий моддаларнинг тўйинганлик чегараси ортса, улар хужайраларга (тўқималар, аъзолар) таъсир кўрсатади. Физиологияда чегара шундай минимал таъсирни билдирадики, бунинг натижасида кўзгатувчининг ушбу турига тирик организмнинг реакциясини аниқлаш мумкин.

Амалий суд тиббиётини организмнинг алоҳида тизимларида токсик таъсирнинг ифодаланганлик даражасини токсикометрик баҳолаш қизиқтиради (масалан, МАТ сиқилишининг турли даражаларида тўйинганлик чегарасининг миқдори; карахтлик, сопор, кома).

Инсон организмнинг этанол таъсирига сезгирлигини қиёсий баҳолаш шуни кўрсатадики, унда турли аъзолар ва тизимларнинг токсик тўйинганликка қаршилиқ қилиши турлича. Ушбу турли-туманлик нафақат бир тизим (аъзо) даражасида аниқланди, бу уларнинг хужайравий тузилмасининг мураккаб ва бир хилда эмаслигига сабаб бўлди. Биз шу

нарсани аниқладикки, асаб тизими турли бўлимларининг этанол ва унинг суррогатларига қаршилиги занжир бўйлаб ошиб боради:

руҳий сенсор бузилишлар → мия пўстлоғи ва ретикуляр фармациянинг тормозланиши → мия устун ҳосилаларининг сиқилиши.

Биобарин, ёш мия пўстлоғига нисбатан энг қадимги филогенетик жиҳатдан мия устуни этанол ва унинг суррогатлари, гипоксияга чидамли ҳисобланади. Агар ушбу заҳарланишларнинг тўйинганлик чегараси бўйича клиник-морфологик таъсирлари тизимлаштирилса, унда бу алкоғолдан заҳарланишнинг ҳар бир клиник босқичи учун организмнинг жавоб реакцияси бир шаклдаги аломатлар мажмуини ўрнатишга имкон беради. Шундай қилиб, заҳарланишнинг энгил шакли учун қуйидагилар хосдир: эс-ҳуши ҳали жойида, бироқ холсизлик ва ланжлик мавжуд (қонда алкоғоль миқдори 0,5 дан 1,0% гача), бош оғриғи, бош айланиши, кўнгил айниаши, эт увишиши, қулоқ шанғиллаши ва б. кўринишидаги вегетатив бузилишлар. Ўз навбатида, ўрта оғирлик даражасидаги заҳарланишда карахтлик, уйқучанлик ёки сопор кузатилган (этил спирти концентрацияси 1,0–2,0% бўлган).

Вегетатив сенсор бузилишлар ортиб борган ва жабрланганлар кўз ёшининг оқиши, ёруғликдан кўрқиш, кўриш қобилятининг пасайиши ва иккиланишидан шикоят қилганлар. Объектив равишда юз гиперемияси аниқланган (кўпинча, рангпарлиги), мушакларнинг титраши, оёқ-қўллар қалтираши, атаксия, адинамия, қусиш кузатилган.

Заҳарланишнинг оғир шакли команинг клиник ривожланиши билан тавсифланган. У юқорида кўрсатилган, ёши ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда қонда алкоғоль миқдори 2,5 (промилли) дан ошганида ўртача $2,5 \pm 1,5\%$ юзага келган. Оғир токсик команинг ўзига хос хусусияти гипорелефлексия (ёки рефлексларнинг кескин сиқилиши), ҳисобланади. Бош миянинг ўсиб боровчи шиши, бартараф қилиниши қийин бўлган ўпка шиши бу босқичнинг ўзига хос асоратлари ҳисобланади.

Кома, кўпинча, тери қопламларида трофик бузилишларнинг ифодаланганлиги билан кечган. Қонда алкоғоль даражаси 5% дан юқори бўлганида интоксикация ортга қайтмас характерга эга бўлган. Ўлим, кўпинча, гемик гипоксия ва мия аноксемияси, шунингдек ўткир юрак етишмовчилиги натижасида рўй берган. Тарқоқ тўқ кўк рангли мурда доғи, ички аъзоларнинг кескин қон билан тўлиши, мурда бўшлиқларидан алкоғоль ҳидининг келиши, кўзнинг шаффоф тўқимасига қон қуйилиши, ўпка ва бош мия шиши эрта ўлимда ортга қайтмасликнинг морфологик эквиваленти ҳисобланади. Миокардда некроз (инфаркт) соҳалари ва қон қуйилишлар рўй беради.

Диссертациянинг «**Этанол ва унинг суррогатлари токсикокинетикасининг асосий параметрларини аниқлаш**» деб номланган бешинчи боби Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг услубий тавсиялари (ЖССТ, Женева, 1981) бўйича заҳарлар токсикокинетикасини баҳолашга бағишланган. Токсикокинетикани ёт бирикмаларнинг организмнинг барча қон томирлари орқали ўтишининг кинетикаси каби

аниқлаш мумкин. Токсикокинетика сингдириш жараёни, биотрансформациянинг тақисмланиши ва вақт функцияси сифатида токсик моддаларнинг чиқарилиши ҳақидаги миқдорий маълумотни беради.

Кимёвий моддалар организмдан асосан пешоб, ўт ва нажас билан, кам миқдорда нафас чиқариш, ошқозон-ичак тракти секрецияси маҳсулотлари билан чиқарилади. Маълумки, инсон организмда этил спирти асосан жигарда ишлаб чиқариладиган алкогольдегидрогеназа ферменти билан парчаланadi. Юқорида санаб ўтилган чиқариш йўллариининг ҳар бири махсус текширувни талаб этади, бироқ, биринчи навбатда, қондаги заҳарларнинг токсикокинетикасини баҳолаш зарур. Якуний кўрсаткич сифатида улар аъзолар ўзгариши элиминацияси ҳисобланади. Кўп сонли тажрибали тадқиқотлардан шу нарса аниқландики, заҳарларнинг организмга тушиши ва чиқарилиши ҳам асосан, уларнинг организмда тақсимланиши биофазаларининг турлича ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, диффузия қонунларига кўра рўй беради (В.А.Филов, 1978).

Диффуз жараёнлар клиникаси экспоненциал қонунлар билан ёритилади ва биринчи тартибдаги кинетика номини олган. Бунда қон плазмасида заҳарнинг ўзгариш тезлиги чизикли дифференциал тенглама кўринишида ифодаланиши мумкин:

$$\sum = -K_e \times C_0$$

бунда: t вақтида қон плазмасидаги заҳарнинг C_0 -концентрацияси, K_e -чиқариш тезлиги константаси.

Ушбу дифференциал тенгламани жабрланганнинг стационарга тушиши пайтида $C(t)=C_0$ бошланғич шартлари билан ечиш (нолинчи вақт) $C(t)=C_0 \exp(-K_e \times t)$ экспоненциал шакли ёки $\ln C(t) = -K_e \times t + \ln C_0$ -логарифмик шакли беради.

Ушбу модел асосида чизикли бўлмаган регрессив таҳлил усули билан токсикокинетиканинг қуйидаги асосий параметрлари аниқланди: заҳарнинг чиқарилиш тезлигининг (элиминацияси) константаси ва заҳарланишнинг токсикоген фазасининг максимал давомийлиги (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Этанол ва унинг баъзи суррогатлари токсикокинетикасининг қиёсий характеристикаси

Токсик моддаларнинг номи	Қонда заҳарларнинг дастлабки даражаси (мкг/мл)	Заҳарнинг чиқарилиш тезлиги константаси(K_e)	Заҳарнинг қонда яримбўлиш даври ($T_{1/2}$)	Токсикоген фазанинг максимал давомийлиги (2)
Этил спирти	3,5±1,4%	0,014	12,40	36,7
Метил спирти	0,7±0,3%	0,026	17,70	54,4
Дихлорэтан	103,9±16,5	0,108	6,40	32,2
Этиленгликоль	97,6±8,7	0,097	16,51	55,4

Заҳарларнинг элиминацияси тезлиги ҳақида K_e константа бўйича хулоса чиқарилди. Ушбу константанинг физик маъноси қуйидагича: у қон айланиши

тизимида мавжуд бўлган токсик моддаларнинг умумий миқдори ҳар бир алоҳида вақт кесимида қандай чиқарилганлигини кўрсатади. Агар қондан дихлорэтанолнинг йўқолиши тезлигини нисбатан юқори (0,108), этиленгликолнинг элиминацияси тезлигини (0,026) – ўрта деб баҳоланса, унда улар билан таққослаб кўрилганда, этил (0,014) ва метил (0,026) спиртларининг чиқарилиш тезлигини кам деб баҳолаш зарур.

Қайтариладиган вақт бирлигида ўлчанадиган K_e ни аниқлаш билан, шунингдек, заҳарларнинг қонда яримбўлиш даврларини, яъни улар концентрациясини ярмига пасайтириш учун зарур бўлган вақтни ҳисоблаш мумкин. Бу назарий токсикологияда кенг қўлланиладиган кўрсаткич $T_{1/2}$ каби белгиланади ва қуйидаги тенгламадан аниқланиши мумкин:

$$T_{1/2} = \ln 2 / K_e = 0.693 / K_e$$

Заҳарлар элиминацияси тезлигидаги тафовутларга мувофиқ уларнинг қонда яримбўлиши, токсиген фазанинг максимал давомийлиги каби, аҳамиятли даражада фарқ қилади. 16,51 га тенг энг узок (55,4) яримбўлиш даври билан қон оқимида этиленгликолни тарқатади.

Этил ва метил спиртлари (этанолнинг дастлабки даражаси $-3,5 \pm 1,4\%$, метил спиртининг эса $-0,7 \pm 0,3\%$ бўлган шароитда) ўзгармайдиган кўринишда 36,7 ва 54,4 га мувофиқ аниқланиши мумкин, уларнинг қонда яримбўлиш вақти 12,4 ва 17,7 соатга тенг. Токсиген фазанинг максимал давомийлиги билан энг қисқа вақтда ($T_{1/2} = 6,4$) дихлорэтаннинг қонда бўлиши кузатилади.

Этил спирти ва унинг суррогатларининг қон тизими орқали ўтишидаги аҳамиятли тафовутларнинг сабаби ҳақида бир маъноли жавоб бериш, ҳозирги вақтда эрта ҳисобланади. Ушбу тафовутлар асосида кўп сонли омиллар ётади: ионлаштириш даражаси, заҳар молекулаларининг сувда ёки ёғда эрувчанлиги, уларнинг плазма оқили билан боғланиши, пешоб, нафас чиқариш, ўт билан ташқарига чиқиш нисбати ва ш.ў., ва асосийси, метаболитлар таркиби охиригача ўрганилмаган ва миқдорий даражаси маълум эмас. Шунинг учун, инсон организмидаги токсикокинетика ҳанузгача муҳим ва кам ҳал этилган муаммолар қаторида туради. Шу билан бир вақтда, юқорида тақдим этилган қон оқимидаги ўзгармайдиган моддалар, уларнинг чиқарилиш тезлигининг константаси, қон оқимида яримбўлиш даври ва токсикоген фазанинг давомийлиги бўйича токсикокинетикасини баҳолаш натижалари бугунги кунда кундалик клиник ва суд-тиббий амалиёт учун муҳим аҳамиятга эга. Бу маълумотларни, заҳарлар кинетикасининг меъёрий графиклари билан бир қаторда, ўлимнинг асосий сабабини асослаб бериш, шунингдек кимёвий жароҳатнинг оғирлик даражасини суд тиббиётида баҳолаш учун қўллаш мумкин. Бундан ташқари, маълумотлар жабрланганлар стационарга келиб тушганида шифокорлар томонидан ўтказилган тадбирларнинг самарадорлигини асосли баҳолаш учун зарур.

Суд токсикологиясининг энг кам ўрганилган муаммолари уйғун заҳарланишлар кўринишидаги кинетика ҳисобланади. Этил спирти билан заҳарланиш бўйича суд-тиббий экспертизанинг хулосаларини таҳлил қилиш

шунингдек, этил спирти суррогатлари билан ўткир заҳарланишларнинг барча ҳолатлари 17,6% алкоғолли мастлик кўринишида рўй берган. Ушбу вазифани (яъни, алкоғолли мастлик кўринишида спирт суррогатларининг токсикокинетикасини ўрганиш) ҳал қилиш учун малакали таҳлилдан фойдаланилди. Заҳарнинг турлича ўзига хос бўлган ва ўзига хос бўлмаган ҳаракатида дихлорэтаннинг элиминацияси тезлигига йўлдош алкоғолли мастликнинг таъсири текширилди (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Жабрланганларнинг ёшига кўра дихлорэтан кинетикасига ўрта даражадаги алкоғолли мастликнинг таъсирини баҳолаш

Текширувдаги гуруҳ	Қонда алкоғол концен-трацияси(%)	Гуруҳ тафовутларига кўшилган ҳиссаси		Тафовутлар аҳамияти		R ²
		Заҳарнинг қондаги дастлабки концентрацияси(V ₀)	Элиминация тезлиги(V ₁)	V ₀	V ₁	
50 ёшгача бўлган жабрланганлар	1,8	4,62	-0,131	0,001	0,0063	0,91
50 ёшдан катта бўлган жабрланганлар	1,6	4,07	-0,079			

Детерминация коэффициенти (R²) ёрдамида ушбу услубий ёндашув асосида клиник-лаборатор ва морфологик маълумотларга танланган моделнинг адекватлиги (R² 1 га қанча яқин турса, бу модел шунча адекват) баҳоланди, шунингдек, кимёвий жароҳатнинг дастлабки миқдоридаги фарқни ва алкоғолли мастликнинг даражасини ҳисобга олган ҳолда заҳарларнинг чиқарилиш тезлиги константаси бўйича текширилаётган гуруҳларда тафовутлар аҳамияти аниқланди. Баҳолашнинг ушбу мезонларига мувофиқ, 6-жадвалда кўрсатилган таққосланаётган кузатувдаги гуруҳлар статистик жиҳатидан ишончли тафовутлари билан тавсифланади.

Биз шу нарсани аниқладикки, заҳарлар кинетикаси бу бирикмаларнинг нафақат физик-кимёвий хоссалари билан юзага келган, балки алкоғол қабул қилиш сабабли организмнинг турли тизимлари функцияларининг бузилиши таъсирини ўзида ҳис этади. Бу таъсир бир маъноликдан йироқ ва ҳар доим ҳам бир йўналишда кечмайди.

Биз олдимизга патологик жараён кечишининг барча мавжуд вариантларида токсикокинетиканинг хусусиятларини ёритиб бериш вазифаси қўйилмаган, балки йўлдош алкоғолли мастликнинг кома ва экзотоксик шок каби интоксикацияларининг энг кўп учрайдиган асоратларида дихлорэтан ва этиленгликолнинг кинетикасига таъсирини аниқладик.

Токсик кома этил спирти суррогатлари, хусусан, дихлорэтан ва этиленгликол билан ўткир заҳарланишда, токсикоген фазанинг етакчи синдромларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг токсикокинетикага таъсирини ўрганиш учун жабрланган беморларнинг икки гуруҳи таққосланди: биринчисида токсикоген фаза давомида эс-хуши ё сақланган,

ёки нисбатан бироз жабр кўрган (карахтлик, сопор), иккинчи гуруҳга эса кўрсатилган фаза давомида беморлар кома ҳолатида бўлган кузатувлар киритилди (6-жадвалга қаранг).

Тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатдики, алкоғолли мастлик ҳолатида заҳарларни биргаликда қўллаш билан чақирилган токсик кома, юқорида айтилган заҳарларнинг кинетикаси суръатини аҳамиятли даражада секинлаштиради.

6-жадвал

Алкоғолли мастлик кўринишида дихлорэтан ва этиленгликол кинетикасининг асосий параметрларига команинг таъсири

Заҳар тури	Қонда этил спирт концентрацияси (%)	Қонда заҳарларнинг дастлабки даражаси (мкг/мл)	Чиқариш тезлиги константаси (Ке)	Қонда заҳарнинг яримбўлиш даври (Т ½)	Токсикоген фазанинг максимал давомийлиги(с)
Дихлорэтил	2,8	35,9±4,6	0,154	4,5	30
	3,6	37,1±6,2	0,066	10,5	38
Этиленгликоль	2,8	27,8±3,6	0,092	12,4	48
	3,6	32,3±4,8	0,057	20,5	58

Бу қон оқимида уларнинг яримбўлиш даврининг ортиши ва заҳарланишнинг токсикоген фазасининг максимал давомийлиги ошишида ўз аксини топади. Команинг чуқурлашиб боришида ичак перисталтикасининг жабрланиши бу бузилишларнинг асосий сабаби бўлиши мумкин, натижада, қонга узоқ вақт тушиб туриши билан ошқозон-ичак трактида заҳарларнинг сўрилиши ва тўпланиши секинлашади. Бундан ташқари, алкоғолли мастликнинг оғир даражаси ичак перисталтикасининг сиқилишига олиб келади.

Организмнинг ички муҳитида токсик моддаларнинг тақсимланиши қон айланиши тизими билан боғлиқ бўлганлиги боис, бу тизимнинг декомпенсацияси (систолик артериал қон босимининг 90 мм сим.уст.дан паст бўлиши) уларнинг қон оқими тизимидан чиқарилишида қандай ўз аксини топишини баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлди (7-жадвалга қаранг).

7-жадвал

Оғир алкоғолли мастлик ҳолатида дихлорэтан кинетикасига декомпенсацияланган шок(бефарқлик)нинг таъсири

Заҳар тури	Қонда алкоғол концентрацияси (%)	Қонда заҳарнинг дастлабки даражаси	Заҳарни чиқариш тезлиги константаси(Ке)	Қонда заҳарнинг яримбўлиш даври (Т ½)	Токсикоген фазанинг максимал давомийлиги(с)
Дихлорэтан	I гр. 2,5	40,7±7,9	0,163	38	30
	II гр. 3,6	33,9±3,7			
Метил спирти	I гр. 2,4	1,2 5	0,029	24,2	72
	II гр. 3,6				

Берилган маълумотлардан кўриниб турибдики, дихлорэтаннинг чиқарилиш тезлигига шокнинг таъсири бир хил эмас. Агар метил спирти билан заҳарланишда чиқариш тезлиги константасининг аҳамиятли пасайиши ва унинг қонда яримбўлишининг ошиши кузатилса, алкоғолли мастлик ҳолатида дихлорэтан билан заҳарланишда эса экзотоксик шок унинг элиминациясига салбий таъсир кўрсатмайди.

Шундай қилиб, этил спирти ва унинг суррогатлари билан ўткир заҳарланишда клиник, лаборатор ва морфологик параметрларни тўғри баҳолаш ва кимёвий жароҳатнинг оғирлик даражасини аниқлаш ва илмий асосланган суд тиббий ташхис қўйиш учун эксперт ушбу заҳарларнинг токсикокинетикасини яхши билиши ва ушбу заҳарланишларнинг йўлдош ҳолатини ҳисобга олиши лозим.

ХУЛОСАЛАР

«Этил спирти ва унинг суррогатларидан заҳарланишларни суд-тиббий баҳолаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Этил спирти ва унинг суррогатлари билан ўткир заҳарланиш жабрланганлари ўлимнинг бевосита сабаблари заҳарни қабул қилингандан кейинги биринчи куни юзага келадиган токсик кома ва нафас йўлларнинг фалажидир. Узоқ даврларда ўлим кўпинча алкоғолли кардиомиопатия, пневмония ва ўткир жигар-буйрак етишмовчилигидан келиб чиқади.

2. Токсик жараённинг интенсивлиги кимёвий жароҳатларнинг бошланғич қийматиға (қондаги заҳарнинг контсентрацияси) боғлиқ. Факторли таҳлил ёрдамида клиник ва морфологик аломатларнинг информативлиги аниқланди.

3. Ушбу интоксикациларда клиник-морфологик кўрсаткичларнинг концентрайя чегаралари аниқланди. Улар асосида олинган диаграммалар қондаги заҳарнинг дастлабки даражасига кўра, заҳарнинг маълум контсентрациясига мос келадиган заҳарланиш тасвирини (клиник ва морфологик белгилар) аниқлашға ва аксинча, клиник ва морфологик кўрсаткичлар мажмуаси ёрдамида, қондаги заҳарнинг дастлабки даражасини тиклашға имкон беради.

4. Тадқиқ этилаётган заҳарларнинг кинетикасининг асосий кўрсаткичлари аниқланди. Олинган маълумотлар заҳарланишнинг оғирлиги, қонда заҳарнинг яримбўлиш даврини ($T_{1/2}$) қўшимча баҳолаш мезонлари сифатида тавсия қилиш имконини беради. Бу кўрсаткич ўлимнинг асосий сабабини асослашда ҳам мумкинدير.

5. Гемосорбсия натижасида қонда заҳарларнинг айланиш давомийлиги қисқаради, бу ўлим муддатини узайтиради ва бу интоксикацияларда ўлим даражасини сезиларли камайтиради.

6. Кўп ўлчовли статистик таҳлили ёрдамида ЭҲМда ўтказиладиган клиник-морфологик белгиларнинг миқдорий баҳоси суд тиббиётида истиқболли бўлиб, суд тиббиёт экспертизаларининг асослиги ва далиллик қийматини оширишға имкон беради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

НАДЖМИТДИНОВ САИДОЛИМ БОХОДИРОВИЧ

**СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ОЦЕНКА ОТРАВЛЕНИЙ ЭТИЛОВЫМ
СПИРТОМ И ЕГО СУРРОГАТАМИ**

14.00.24 – Судебная медицина

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Тиб407 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учтилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-соҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хван Олег Иннокентиевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Бахриев Иброҳим Исомитдинович
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Ибрагимова Марета Мухарбековна
фармацевтика фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Тиб.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» ____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru. Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (862 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел/факс: (+99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «11» 12 да тарқатилди.
(2021 йил «11» 12 даги 30 рақамли реєстр баённомаси).



Г.И. Шайхова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги
марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Д.Ш. Алимухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги
марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари
доктори

А.Б. Саидов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги
марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

REDMINOTE 8 PRO
64MP QUAD CAMERA

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире отравления этиловым спиртом стоят на первом месте среди смертельных отравлений. Согласно данным ВОЗ «... в результате вредного употребления алкоголя ежегодно во всем мире умирает 3,3 миллиона человек, что составляет 5,9% всех случаев смерти»¹. В экспертной практике наиболее часто приходится встречаться с отравлениями метиловым спиртом, спиртом-сырцом, этиленгликолем, реже, так называемыми, высшими спиртами (пропиловым, бутиловым, амиловым), а также денатуратом, тетраэтилсвинцом, ацетоном. В случаях подозрения на смерть от алкогольной интоксикации судебно-медицинскому эксперту приходится, доказывать как сам факт смерти от отравления, так и определяет степень алкогольной интоксикации у погибшего (в случаях смерти от других причин на фоне опьянения). Каких-либо специфических для смерти от отравления этиловым спиртом морфологических изменений в тканях и органах трупа нет. Поэтому заключение о смерти от отравления алкоголем дается лишь после получения результатов судебно-химического анализа, тщательного гистологического исследования внутренних органов трупа. Поэтому, разработка клинико-морфологических критериев оценки острых отравлений этиловым спиртом и его суррогатами является одной из самых важных проблемных задач в сфере судебной медицины.

Во всем мире проводится ряд научных исследований для установления роли алкогольной интоксикации в танатогенезе соматической патологии. В связи с этим, возникает необходимость в разработке методических рекомендаций при острых отравлениях этанолом и его суррогатами, а также в проведении научных исследований по судебно-медицинской оценке этих отравлений. Особое значение имеют исследования вопросов определения концентрационных порогов клинических признаков и морфологических изменений при алкогольной интоксикации, а так же выявление информативных клинических и морфологических признаков с помощью факторного анализа, уделяется внимание определению токсикокинетики этилового спирта и его суррогатов.

В нашей стране проводятся широкомасштабные мероприятия, направленные на развитие медицинской сферы, адаптацию фундаментальных исследований к требованиям мировых стандартов, в том числе более углубленного изучения алкогольных интоксикаций в судебной медицине. В связи с этим, в соответствии со стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи «...по оказанию специализированной и высокотехнологической медицинской помощи населению»². Одним из

¹ The public health impact of chemicals: knowns and unknowns. International Programme on Chemical Safety. World Health Organization 2016. — Mode of access : https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/206553/WHO_FWC_PHE_EPE_16.01_eng.pdf. — Date of access : 15.10.2019

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года

актуальных научных направлений в реализации этих задач является проведение фундаментальных исследований, направленных на разработку судебно-медицинских критерий диагностики отравлений этиловым спиртом.

